

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

РАИМОВА МАЛИКА МУХАМЕДЖАНОВНА

ПАРКИНСОН КАСАЛЛИГИ ВА ПАРКИНСОНИЗМ СИНДРОМИ
КЛИНИК ПОЛИМОРФИЗМИНИНГ МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК
АСОСЛАРИ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Раимова Малика Мухамеджановна

Паркинсон касаллиги ва паркинсонизм синдроми клиник
полиморфизмининг молекуляр-генетик асослари..... 3

Раимова Малика Мухамеджановна

Молекулярно-генетические основы клинического полиморфизма
болезни Паркинсона и синдрома паркинсонизма 27

Raimova Malika Mukhamedjanovna

Molecular and genetic basis of clinical polymorphism of Parkinson's
disease and parkinsonism syndrome..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

РАИМОВА МАЛИКА МУХАМЕДЖАНОВНА

**ПАРКИНСОН КАСАЛЛИГИ ВА ПАРКИНСОНИЗМ СИНДРОМИ
КЛИНИК ПОЛИМОРФИЗМИНИНГ МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК
АСОСЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib81 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Халимова Ханифа Мухсиновна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Новикова Лилия Бареевна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Гафуров Бахтияр Гафурович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Садикова Гулчехра Кабуловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44.

Диссертация автореферати 2017 йил «____» _____ кун тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Б.Г. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Паркинсон касаллиги ва иккиламчи паркинсонизм неврологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, бугунги кунда кекса ёшдаги аҳоли орасида энг кўп учрайдиган тўртта нейродегенератив касалликлар жумласига киради. Мазкур патология бутун дунё бўйича ҳар 100 000 кишидан 120–180 нафарида учрайди. Паркинсонизм синдромининг барча турлари орасида энг кенг тарқалгани Паркинсон касаллиги (ПК) ва васкуляр паркинсонизм (ВП) бўлиб, улар мос равишда 75–80% ва 2,1–7% ни ташкил этади. Паркинсонизм муаммосининг ижтимоий аҳамияти касалликни учраш частотаси ўсиб бориши, прогрессив кечиши, даволаш самардорлиги пастлигидадир. Натижада ҳаёт сифати пасайиши ва беморлар орасида ногиронлик даражасининг ошиши қайд этилмоқда. «Паркинсонизмнинг эрта манифестацияси, айниқса, «мойил» генларнинг ноқулай аллел вариантларига эга бўлган шахсларда ортиб бориш эҳтимоли юқори»¹. Турли популяция вакилларида ПК ривожланишида номзод генларнинг полиморфизми учраш частотаси ҳар хилдир.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли мақсадли чора–тадбирлар амалга оширилди, касалликларни самарали даволашнинг замонавий моделлари татбиқ этилиб, ижобий натижалар қўлга киритилди. Ўрта ва кекса ёшдаги аҳоли орасида неврологик касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш чораларини қўллаш натижасида касалликларни ташхислаш сифати яхшиланди; патогенетик даво принциплари такомиллаштирилди ва оғир асоратларни олдини олишга эришилди. Бугунги кунда республикаимизда аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш учун «пензионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар ва аҳоли бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш» зарур².

Жаҳон миқёсида Паркинсон касаллиги ва паркинсонизм синдромининг шаклланиши ва кечишида молекуляр-генетик ва ташқи муҳит омилларининг ўрнини аниқлаш; ушбу касалликни даволаш ва олдини олишда самарали йўللارни ишлаб чиқиш юзасидан турли хил этник гуруҳларда паркинсонизмнинг молекуляр-генетик асосларини тадқиқ қилиш, касалликнинг турли шакллари ва номотор симптомларининг ривожланишида уларнинг аҳамиятини баҳолаш; касалликнинг кечки даврида ривожланувчи мотор ва номотор флуктуациялар ва дискинезияларнинг олдини олиш ва даволаш самарасини оширишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

¹ Иллариошкин С.Н. Паркинсонизм с ранним началом //Атмосфера. Нервные болезни. – Москва, 2006. –№3. – С.14-20.

² 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ–1652-сон “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Паркинсон касаллиги ва паркинсонизм синдромининг этиопатогенези, дифференциал-ташхисий мезонлари, молекуляр-генетик тамойиллари ва даволашига бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий-текшириш марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, National Institute of Neurological Disorders and Stroke, Epidemiology Branch, National Institutes of Health (АҚШ), King’s College Hospital (Буюк Британия), Carlos III Institute of Health (Испания), Oslo University Hospital and University of Oslo (Норвегия), CSS-Mendel Institute, San Giovanni Rotondo (Италия), Chinese Academy of Medical Sciences (Хитой), Научный центр неврологии при Российской академии медицинских наук, Центр экстрапирамидных заболеваний, Институт Молекулярной генетики (Россия Федерацияси), Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Паркинсон касаллиги ва паркинсонизм синдромини молекуляр-генетик хусусусиятлари, эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикаси бўйича қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: EUROPAR and the IPDMDS non-Motor PD Study Group (2014) тадқиқоти натижаларида касалликнинг барча турларида 57,7% ҳолатда эрталабки сўниш (ўчиш) даври номоторли симптоматика билан боғлиқлигини асослаган (King’s College Hospital, Буюк Британия); Хитойнинг 42 та университет клиникаларида Паркинсон касаллигига чалинган 901 L-допа билан даволанган беморлар орасида касалликнинг клиник белгилари, кечиши, асоратлари ва даволаш самарадорлиги баҳоланган ва ҳаракатланиш асоратлари кам ҳолларда учраши аниқланган (Chinese Academy of Medical Sciences, Хитой); спорадик паркинсонизмга чалинган славян миллатига мансуб беморларнинг 10%да паркинсонизм генларида наслдан-наслга ўтувчи мутациялар аниқланган, улардан 6,5% беморда PRKN генида гетерозигот экзон қайта қурилиши, LRRK2 ва GBA генларида мажор мутациялар эса 5% беморда топилди.

³ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи www.pdf.org, www.epda.eu.com, www.karger.com, www.pub.med.com, www.thelancet.com, www.movementdisorders.org, www.healthcommunities.com, www.neurology-asia.org, www.bcmj.org, <https://academic.oup.com>, www.neurology.ru ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

PRKN генида мутация ривожланганда, паркинсонизм касаллиги эртароқ бошланиши, турли мутациялар комбинациясида эса касалликнинг оғир кечиши аниқланган (Научный центр неврологии при Российской академии медицинских наук, Россия Федерацияси).

Дунёда Паркинсон касаллигининг эрта диагностикаси ва даволаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: касалликнинг клиник белгилари пайдо бўлишидан олдин касаллик ривожланишини прогнозлаш мақсадида номотор, молекуляр-генетик ва биокимёвий нишонларини эрта аниқлаш; юқори даражали хавф гуруҳларини шакллантириш; мотор ва номотор флуктуациялар, дискинезияларнинг олдини олиш ва даволаш чораларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда паркинсонизмнинг турли аспектарини аниқлашга бағишланган илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда ва уларнинг натижалари илмий адабиётларда кенг ёритилган (Chunlei Li et al., 2014; Zhao Jing et al., 2015; Deng H.Wet et al., 2015; Chen Y. et al., 2017; Fahn S., 2017). Паркинсонизмга мойилликнинг шаклланишида турли полиморф генларнинг иштирок этиши ҳақида кенг ҳажмли маълумотлар тўпланган (Багыева Г.Х., 2009; Шадрина М.И., 2011; Иллариошкин С.Н. ва бошқ., 2014; Langston R.G. et al., 2014). Шадрина М.И. тадқиқотида PARK2 генининг экзонларида делециялар ва дупликациялар Россия федерацияси аҳолисида Паркинсон касаллигининг спорадик тури ривожланишида муҳим ўрин тутиши исботланган. Ушбу генда делециялар ва дупликациялари мавжуд одамларда ПКнинг ривожланиши хавфи 8,53 баробар ошиши кўрсатилган. Иллариошкин С.Н. томонидан олиб борилган тадқиқотда Паркинсон касаллигига чалинган рус популяциясига мансуб беморларда GBA генида иккита мажор мутация аниқланди (N370S ва L444P), улар беморларда 4,3%, назорат гуруҳида 0,5%ни ташкил қилдилар. Ушбу кўрсаткичлар бошқа популяция вакилларида N370S ва L444P мутациялари пайдо бўлиш частотасига мос келди. Паркинсон касаллигига чалинган 192 та беморнинг ДНК намунасида GBA генининг барча 11 экзонини тартибга солишда олти мутация аниқланди. Клиник-генетик таққослашлар шуни кўрсатдики, GBA генининг турли хил мутациялари ўзига хос бўлган фенотипик хусусиятларига эга.

GSTT1 ва GSTM1 генларининг «нол аллеллари» билан нейродегенератив касалликларга мойиллик ўртасидаги алоқа тўғрисидаги хорижий тадқиқотчиларнинг маълумотлари бир-бирига зид. Паркинсон касаллиги билан бешта ген-номзодларнинг алоқаси бўлиши мумкинлигини аниқлашга қаратилган Nicholl D.J. ва ҳаммуалифлари тадқиқотларида бундай алоқа аниқланмади. Аммо, Буюк Британиялик олим Stroombergen M.C. ўтказган кенг қамровли изланишларда қуйидаги бир қатор қонуниятлар кашф этилди: ПКнинг юқори хавфи GSTT1 генининг 0/0 генотиби билан боғлиқ; GSTM1 генининг делецион аллели бўйича гомозиготлиги билан ПКги ўртасида алоқа борлиги аниқланди ва ушбу алоқа фақат эркаларда кузатилиши қайд этилди. Farrer M.J. ва ҳаммуалифлари ўз изланишларида

GSTM1, GSTT1 полиморфизмларининг Паркинсон касаллиги билан алоқасини ўрганиш бўйича келгусида янада кенг қўламли тадқиқотлар олиб бориш лозимлигини кўрсатганлар.

Республикамизда паркинсонизм муаммоларига бағишланган тадқиқотлар Петелин Л.С., Атаджанов М.А., Кумарина Г.Л., Охунова Д.Г., Халимова Х.М., Матмуродов Р.Ж. сингари олимлар томонидан олиб борилган. Петелин Л.С., Атаджанов М.А. изланишларида Паркинсон касаллигига чалинган беморларнинг 3–4 авлоди шажараси ўрганилган. Ушбу шажаралар таҳлили касаллик доминант турда сушт пенетрантлик билан наслланишга эгаллиги ва шу сабабли касаллик турли авлодда ўзини турлича намоён этиши ҳамда баъзи авлодларда кузатилмаслиги аниқланган.

Олиб борилган илмий адабиётлар ва тадқиқотлар таҳлиliga таяниб айтиш мумкинки, республикамизда Паркинсон касаллиги патогенези асосида муҳим ўрин олган молекуляр-генетик ўзгаришларни ва касалликнинг кечишини сезиларли мураккаблаштирувчи флуктуациялар ва дискинезияларни ўрганишга қаратилган илмий изланишлар кенг қамровда ўтказиш талаби мавжуд. Бу ўз навбатида, мазкур масалага йўналтирилган тадқиқотларни давом эттириш зарурлигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси (Давлат рўйхат рақами 03-227, 2212.14), шунингдек, ФЕСС-005 «Ўзбек популяциясида паркинсонизм ривожланишида генетик полиморфизмининг ўрнини ўрганиш» ҳамда ИТСС-31.16 «Ўзбек популяцияси вакилларида паркинсонизм ривожланиши прогностик критерийларини ишлаб чиқиш, ташхислаш ва даволаш чораларини оптимизациялаш» лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек миллатига мансуб бўлган инсонларда Паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмнинг клиник ва дифференциал-диагностик хусусиятларини очиқ бериш ҳамда уларнинг ривожланишида молекуляр-генетик полиморфизмнинг ролини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек миллатига мансуб инсонларда PARK1 генидаги Ala53Thr, PARK2 генидаги T240M, LRRK2 генидаги G2019S мутацияларининг спорадик ва ирсий паркинсонизм ривожланишидаги ролини аниқлаш;

II-фаза детоксикация генлари: глутатион-S-трансфераза GSTT1 ва GSTM1ларнинг делецион полиморфизмларини, Nat2 генининг C282T мутацияси ПК ва ВП билан боғлиқлигини аниқлаш;

PARK1, PARK2, LRRK2, GSTT1, GSTM1, Nat2 генларида аниқланган полиморфизмларга боғлиқ ҳолда, ПК ва ВП клиникаси, кечишидаги ўзига хосликларни аниқлаш;

ПК ривожланишида экологик ва касбий омиллар аҳамиятини баҳолаш; тадқиқ этилаётган генлар полиморфизмлари ҳамда касаллик ривожланишига олиб келиши мумкин бўлган сифат хавф омиллари

орасидаги боғлиқликлар таҳлилини ўтказиш;

ўзбек миллатига мансуб инсонларда Паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмни қиёсий ташхислашда уларнинг комплекс клиник-неврологик ҳамда молекуляр-генетик хусусиятларини баҳолаш;

кечки мотор ва номотор флуктуацияларнинг клиник намоён бўлиш спектрларини, уларнинг қўлланилган дофаминэргик терапия билан боғлиқлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Паркинсон касаллигига чалинган 153 нафар, васкуляр паркинсонизмга чалинган 69 нафар, паркинсонизм белгилари бўлмаган сурункали мия ишемиясига чалинган 80 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети PARK1, PARK2, LRRK2, GSTT1, GSTM1, Nat2 генларини генотиплаштириш учун ПК ва ВП, назорат гуруҳи беморларидан олинган веноз қони ва UPDRS, Hoehn & Yahr, MMSE, PDQ-39, HADS, AIMS, ESRs, NMSS-PD шкалалари асосидаги анкета маълумотлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажаришда клиник-неврологик, нейропсихологик, нейровизуал, молекуляр-генетик (ДНК геномини ажратиб олиш ва генлар полиморфизминини генотиплаштириш) ва статистик таҳлил каби замонавий тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўзбек миллатига мансуб кишиларда PARK1 генидаги Ala53Thr ва PARK2 генидаги T240M мутациялар Паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизм ривожланишида хавф омиллари эмаслиги исботланган;

илк бор ўзбек миллатига мансуб кишиларда Паркинсон касаллигида LRRK2 генида G2019S мутация гетерозиготалик ҳолатига эгалик касалликка ташхис қўйишда юқори аҳамият касб этиши ва ушбу мутацияни касалликнинг аралаш шакли ҳамда дофаминэргик терапиянинг юқори самара бериши билан алоқадор эканлиги исботланган;

илк бор ўзбек миллатига мансуб ПКга чалинган беморларда GSTM1 гени 0/0 генотиби ва GSTT1 гени 0/0 генотиби ва уларнинг комбинацияси кўп учраши ҳамда ушбу мутациялари бўлмаган беморларга нисбатан «ноль» генотиплари бўлган беморлар гуруҳида касаллик эрта бошланиши, касалликнинг тарқоқ-аралаш шакллари устуворлик қилиши ва касалликнинг жадал ривожланиши исботланган;

илк бор ўзбек миллатига мансуб ПКга чалинган беморларда Nat2 генининг C282T мутациясини аниқлаш прогностик аҳамиятга эгалиги ва касалликнинг акинетик-ригид шакли ҳамда жадал ривожланишини белгилаши исботланган;

ноқулай ташқи муҳит омиллари касалликнинг эрта бошланиши, жадал ривожланиши, касалликнинг ёйиқ шакли учун юқори хавф омиллари бўлиши мумкинлиги асослаб берилган;

ўзбек миллатига мансуб кишиларда Паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмда комплекс клиник-неврологик ва молекуляр-генетик

дифференциал-диагностик текширувларни диагностик аҳамияти исботланган;

паркинсонизмнинг кечки даврларидаги мотор ва номотор флукутациялар клиник белгилари ва уларнинг орасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмни эрта дифференциал ташхислашда мотор белгилар билан бир қаторда номотор белгиларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эгаллиги аниқланган;

LRRK2 генидаги G2019S мутациясини, GSTT1 ва GSTM1 генларининг 0/0 полиморфизмларини ва Nat2 генининг C282T полиморфизмини скрининглаш ўзбек миллатига мансуб кишиларда ПК ривожланишига бўлган мойилликни молекуляр-генетик диагностикасини ўтказиш зарурлиги асослаб берилган;

Паркинсонизмнинг шакли ва босқичини инобатга олган ҳолда даволашда дифференциал чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник-неврологик, молекуляр-генетик, санитар-гигиеник ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланиб олинганлиги, назарий ҳамда амалий натижалар монандлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Паркинсон касаллигида тадқиқ этилган генларнинг мутациялари аниқланиши унинг маълум шаклларида ривожланиши, кечишини прогнозлашга, даво самарасини оширишга, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга, шунингдек, ушбу беморларнинг оила аъзоларида касаллик ривожланиш хавфини баҳолашга имконият яратиши ҳамда ПК LRRK2 генида G2019S мутацияси дофаминэргик терапиянинг юқори самарадорлигини башоратлашга имконият бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган тавсиялардан ПК ва ВП дифференциал диагностика усулларини такомиллаштиришда, даволаш муассасаларида адекват даво чораларини танлашда ҳамда тегишли йўналишлар бўйича таълим ва илмий фаолиятда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Паркинсон касаллиги ва паркинсонизм синдроми клиник полиморфизмининг молекуляр-генетик асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Паркинсон касаллиги ва паркинсонизм синдроми клиник полиморфизмининг молекуляр-генетик хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Паркинсон касаллигининг молекуляр-генетик аспекти» мавзусидаги услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил

3 июндаги 8Н/106-сон; 2016 йил 13 сентябрдаги 8Д–3/75-сон маълумотномалари). Мазкур услубий қўлланма Паркинсон касаллиги билан касалланган беморларда касалликнинг молекуляр-генетик асосларини аниқлаш, келажакда ушбу касалликка мойилликни ўзбек аҳолисида эрта баҳолаш ва профилактик чора-тадбирларни олиб боришга имкон беради;

Таклиф этилган паркинсонизмни комплекс ташхислаш ва даволаш чора-тадбирлари “Паркинсонизмнинг турли хил шакллариининг диагностик критерийлари ва даволаш оптимизацияси” мавзусидаги услубий қўлланмаси асосида соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 18 мартдаги 8Н/31-сон; 2016 йил 13 сентябрдаги 8Д–3/75-сон маълумотномалари). Мазкур услубий қўлланма Паркинсон касаллиги ва паркинсонизм синдроми билан касалланган беморларда касалликни эрта дифференциал ташхислаш, даволаш чораларини дифференциал тарзда ўтказиш ва охир инвалидизацияни олдини олишда имкон беради;

Паркинсон касаллигининг кечки босқичларида ривожланадиган ҳаракат дискинезиялари ва флуктуацияларининг олдини олиш ва даволаш чораларинг яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар «Паркинсон касаллигининг кечки босқичларида даволашга ёндашувлар» мавзусидаги услубий қўлланмаси асосида соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 31 январдаги 8Н/24-сон; 2016 йил 13 сентябрдаги 8Д–3/75-сон маълумотномалари). Мазкур услубий қўлланма Паркинсон касаллиги билан касалланган беморларда касалликнинг кечки босқичларида ривожланадиган мотор дискинезиялар ва флуктуациялар профилактикасини ва даволаш оптимизациясини самарали ташкил қилиш имконини беради;

Паркинсон касаллиги ва паркинсонизм синдроми клиник полиморфизмининг молекуляр-генетик асослари бўйича олинган натижалар амалий соғлиқни сақлаш тизимида, шу қаторда Тошкент тиббиёт академиясининг 1-клиникаси неврология бўлими, Тошкент шаҳар 5-сон шаҳар клиник шифохонасининг 1-сон неврология бўлимининг клиник фаолиятига ҳамда Тошкент давлат стоматология институтининг ўқув жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 13 сентябрдаги 8Д–3/75-сон маълумотномаси). Паркинсон касаллиги ва паркинсонизм синдромининг эрта ташхисланиши касаллик оғир даражаларининг олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирларни ўтказишга имкон яратди ва бу беморларнинг яшаш тарзини яхшилаб, ўзига-ўзи хизмат қилиш имкониятини оширди ҳамда йил мобайнида стационар шароитда даволанишга муҳтожлигини 8,6%га камайтди, ўтказилаётган даволаш тамойилларининг қўлланилиши моддий харажатлар миқдорини анъанавий гуруҳга нисбатан 11%га камайтишига олиб келди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, улардан 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 179 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш ҳамда ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Паркинсон касаллиги ва паркинсонизм синдромининг клиник ва молекуляр-генетик полиморфизмига замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобида мазкур масалани ўрганишнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган, паркинсонизм ривожланишининг энг муҳим патогенетик бўғинлари тавсифланган. Илмий адабиётларда келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, синчиқлаб ўрганишни талаб этувчи масалалар доираси белгиланган, ишнинг долзарблиги ва танланган мавзунини ишлаб чиқиш зарурлиги асосланган.

Диссертациянинг **«Беморларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган услублар»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва услублари, фойдаланилган усуллар ҳамда олинган маълумотларни қайта ишлашда қўлланилган статистик усулларнинг баёни келтирилган.

Илмий тадқиқот доирасида қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун 2007–2014 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1-сон Республика клиник шифохонаси неврология бўлими, реабилитацион неврологик маркази ва поликлиникаси; ТТАнинг III клиникаси неврология, кардиология, кардиореанимация, умумий терапия бўлимлари базасида даволанаётган 222 нафар паркинсонизм билан ҳасталанган беморларда клиник текширувлар олиб борилган. Беморлар учта гуруҳга бўлиб ўрганилган:

153 нафар (биринчи гуруҳ) – Паркинсон касаллигига чалинган беморлар;
69 нафар (иккинчи гуруҳ) – Васкуляр паркинсонизмга чалинган беморлар;

80 нафар (учинчи гуруҳ) – Паркинсонизм белгилари бўлмаган сурункали мия ишемияси бўлган беморлар.

ПКга чалинган 144 нафар, васкуляр паркинсонизмга чалинган 63 нафар ва сурункали мия ишемияси бўлган 80 нафар беморнинг камида учта авлоди Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаган оилалардан бўлиб, ҳам онаси, ҳам отаси ўзбек миллатига мансубдир.

Қўйилган вазифаларни амалга оширишда комплекс равишда клиник-неврологик, анамнестик, молекуляр-генетик ва санитар-гигиеник усуллардан фойдаланилди.

Клиник-неврологик тадқиқотлар қуйидагилардан иборат бўлди: соматик ва неврологик ҳолатни баҳолаш, лаборатор умумклиник ва биокимёвий текширувлар, зарур ҳолларда бош мия КТ ёки МРТ қилинган.

Паркинсонизмнинг нозологик диагностикаси “Буюк Британия Паркинсон касаллиги жамияти”нинг мия банки клиник диагностик мезонларини (A.J. Hughes et al., 1992) қўллаган ҳолда амалга оширилди.

Неврологик дефицит оғирлиги UPDRS (Паркинсон касаллигининг унифицирланган рейтинг шкаласи) ёрдамида баҳоланди (S.Fahn, R.Elton, 1987), касаллик босқичи Хен ва Яр шкалалари бўйича аниқланди (M. Hoehn, M. Yahr (1969), Lindval ва ҳаммуаллифлари модификациясида, 1989).

Молекуляр-генетик текширувларда PARK1 генининг Ala53Thr, PARK2 генининг T240M мутацияси, LRRK2 генининг G2019S мутацияси, GSTT1, GSTM1 генларининг делецион полиморфизми, Nat2 генининг C282T мутацияси тадқиқ этилди. Тирсак венасининг 1 мл ҳажмидаги қони ДНК учун материал сифатида хизмат қилди. Яхлит қондан ДНКни ажратиш олиш Diatom™ DNA Prep 200 реагентлар тўпламини қўллаган ҳолда стандарт протокол бўйича Diatom™ DNA Prep 200 (“Лаборатория ИзоГен” МЧЖ маҳсулоти, Москва, Россия) тўпламида амалга оширилди. ПЦР таҳлили ДНК GenePak™ PCR Core амплификациядаги ПЦР учун реагентлар тўплами ёрдамида амалга оширилди (“Лаборатория ИзоГен” МЧЖ маҳсулоти, Москва, Россия Федерацияси).

Санитар-гигиеник тадқиқотлар махсус ишлаб чиқилган ва тасдиқланган анкета-сўровнома-интервью ёрдамида ўтказилди.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили вариацион статистика усулида амалга оширилди. Нопараметрик тақсимланиш билан маълумотларни таҳлил қилишда Спирман корреляция коэффициенти усули қўлланилди. Ўртача фарқларнинг ишончилиги ишонч интервали 95% бўлган ҳолда Стьюдент мезони асосида баҳоланади ($p < 0,05$).

Диссертациянинг «**Паркинсонизм билан хасталанган беморларни клиник-неврологик текширувлари асосида олинган натижалар**» деб номланган учинчи бобида текширувдан ўтказилган беморларнинг клиник тавсифи келтирилган. Қиёсий аспектда ПК ва ВПнинг неврологик белгилари ва уларнинг хронологияси ўрганилди.

1-жадвалда ПК ва ВП нинг демографик кўрсаткичларига кўра гуруҳларда эркалар кўпчиликини ташкил этса-да, аммо жинс ва касаллик ўртасида алоқа қайд этилмаган ($p=0.81$); ўртача ёш ва ўртача бошланиш ёши ВП гуруҳида ишончли равишда юқорироқ. ПК гуруҳида эса ўрта ёшдагилар кўпроқ (50,3%). Клиник-анамнестик таҳлилга кўра кўпинча ПК тинчлик

тремори (65,3%), нисбатан камроқ ҳолда қўллар қотиб қолишидан (19,6%) ва ҳаракатлар секинлашуvidан (13,1%) бошланди.

1-жадвал.

ПК ва ВП бўлган беморларнинг демографик кўрсаткичлари

Жинс ва ёши	ПК (n=153)	ВП (n=69)	Жами (n=222)
Эркаклар	83(54,25%)	42 (60,9%)	125(56,3%)
Аёллар	70 (45,75%)	27 (39,1%)	97(43,7%)
Ўртача ёш	57,5±11,5	66,98±9,57*	60,5±11,7
Касаллик бошланишининг ўртача ёши	52,9±11,4	63,13±9,37*	56,1±11,7
Улардан: n (%)			
Ўсмирлик ёш (11–25 ёш)	4 (2,6%)	0 (0%)	4(1,8%)
Кичик ёш (25–44 ёш)	27 (17,65%)	2 (2,9%)*	29(13,1%)
Ўрта ёш (44–60 ёш)	77 (50,3%)	23 (33,3%)*	100(45%)
Катта ёш (60–75 ёш)	44 (28,75%)	37 (53,6%)*	81(36,5%)
Кекса ёш (75–90 ёш)	1 (0,7%)	7 (10,2%)*	8(3,6%)

Изоҳ: *— $P<0,05$; таққосланаётган гуруҳларда (ПК ва ВП) кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ ишончли.

ВП кўпроқ оёқларнинг қотиб қолиши (43,5%) ва ҳаракатлар секинлашуvidан (34,8%) бошланган, камроқ ҳолларда биринчи белги қалтираш бўлган (11,9%). ПКда кўпгина ҳолларда касалликнинг дастлабки белгилари асосан бир томонлама (94,1%), кўпинча қўл ва оёқда кузатилади (90,2%). ВП эса дастлабки белгилар кўпинча иккала томонлама симметрик бўлади (65,2%) ва аксарият ҳолларда оёқлардан бошланган (79,7%).

ПК ва ВПни келтириб чиқарувчи омиллари таҳлил қилинганда, психик жароҳат ҳолатлари мос равишда 78,4% ва 37,7% да касаллик ривожланишига олиб келганлиги аниқланган. ВП инсултдан (n=11) кейин, қолган беморларда сурункали мия ишемияси фонида ривожланган.

ВПда клиник белгилар 53,6% беморда жадал суръатларда ортиб боради. ПКда 57,5% беморда бу белгилар ўрта темпда кўшилиб намоён бўлади.

Касалликнинг клиник шакллари кўриб чиқилганда, ПКда аралаш (41,2%), ВПда акинетик-ригид тури кўпроқ кузатилади (47,8%). Касаллик кечиши оғирлигини баҳолаганда, ВПда касаллик нисбатан оғирроқ кечади: мос равишда 43,5% ва 39,1% да II ва III босқичлари устувор. ВПда нигростриар йўллар дегенерацияси суръатлари ПКга нисбатан шиддатли бўлса керак, чунки касалликнинг давомийлиги мос равишда $3,6\pm 2,6$ ва $4,7\pm 4,08$ йилни ташкил килди.

Беморларнинг кун мобайнида фаоллиги текширилганда ВПга чалинган беморларда ПК гуруҳидагиларга нисбатан кундуз куни кўрсаткичлари кескин пасайди: мос равишда $22,5\pm 5,3$, $52,4\pm 8,6$ ва $18,2\pm 3,8$, $64,8\pm 11,6$ балл. ВПга чалинган беморларда ПКга нисбатан UPDRS шкаласининг III қисми бўйича жиддийроқ неврологик дефицит аниқланди: мос равишда $51,5\pm 6,2$ ва $39,1\pm 8,3$ балл.

Асосий моторлик хусусиятлар (ригидлик ва гипокинезия) кузатилиши таҳлил қилинганда иккала гуруҳда деярли бир хил, аммо ПКда тинчлик треморининг кузатилиши сезиларли равишда юқори 91,5% (ВПда 17,4%; $P<0,001$). Ҳид билиш қобилятининг бузилиши, гипомимия каби

паркинсонизмга хос белгилар ПКга чалинган беморлар гуруҳида устуворлик қилади: мос равишда 88,2% ва 78,4% (ВПда мос равишда 28,9% ва 30,4%).

Постурал бузилишлар ПК ва ВПда монанд равишда 45,7% ва 84% кузатилади. Айтиш жоизки, постурал беқарорлик ва у билан боғлиқ йиқилишлар паркинсонизмнинг энг юқори ногиронлаштирадиган ҳолатларига киради ва беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли равишда пасайтиради, касаллик прогнозини жиддийлаштиради.

Бош мия майда ўчоқли қон томирли шикастланишининг псевдобульбар, мияча синдроми, пирамидал симптоматикаси ВПга хос. Улардан псевдобульбар синдром (72,5%), чуқур рефлекслар асимметрияси (69,6%) кўпроқ учрайди.

Номотор белгиларни қиёсий баҳолашда вегетатив бузилишлар ПКга чалинган беморларда ВПга нисбатан 2,5 марта кўпроқ ҳолатда учраши аниқланди (мос равишда 85% ва 30%). ПКда вегетатив бузилишлардан умумий гипергидроз (78,4%), пешоб чиқариш бузилиши (71,9%), ич қотиши (52,3%), сўлак оқиши (45,7%) кузатилди. ВПда улар сезиларли равишда камроқ кузатилиши: мос равишда 5,8%; 20,3%; 10,1% ва 8,7% ҳолатда аниқланди. Аммо ортостатик гипотензия кузатилиши ва оғирлиги ВПда ПКга чалинган беморларга қараганда анча юқори: мос равишда 26,1% ва 12,4%. Бу фарқ ВПда юрак-қон томир тизимининг бирламчи дисфункцияси билан боғлиқдир.

Аффектив бузилишлар орасида депрессив синдром ПКда кўпроқ (58,8%), ВПда деярли 2 баробар (30,4%) камроқ кузатилади. HADS шкаласи ёрдамида безовталиқ, депрессия кўринишлари таҳлил қилинса, депрессия даражаси ПКда ВПга нисбатан анча юқори ($P < 0,001$): субклиник кескин депрессия (24,8%) 1,7 ва клиник кескин депрессия (34%) 2,1 марта кўпроқ қайд этилди. Безовталанишнинг кескинлик даражаси ва учраш частотаси иккала таҳлил гуруҳида ишончли статистик фарқланмади ($P < 0,2$).

ПК ва ВПга чалинган беморларда когнитив функция бузилишлари деярли бир хил (ПК 84,9% ва ВП 86,9%), аммо унинг ифодаланиш даражаси ВПда анча юқори – MMSE мос равишда $22,9 \pm 0,7\%$ ва $20,1 \pm 0,5\%$ ($P < 0,05$). Мазкур ҳолат интеллектуал-мнестик функцияларнинг ВПда нисбатан кескинроқ ўзгаришларидан дарак беради.

Диссертациянинг «**Молекуляр-генетик текширувлар натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида паркинсонизм касаллигига мойилликни аниқлашга йўналтирилган генетик тадқиқотлар натижалари ва таҳлили келтирилган. Унга кўра, PARK1 генининг Ala53Thr мутацияси ВПли акинетик-ригид формаси ва эрта когнитив бузилишлари бўлган фақат биттагина беморда кузатилди, қолганларда PARK1 генининг ушбу мутацияси кузатилмади. Демак, дунёдаги бошқа кўплаб популяциялар каби ўзбекларга бирламчи синуклеинопатиялар хос эмас.

PARK2 генида T240M мутацияси ПК, ВП ва назорат гуруҳида аниқланмади. Ушбу мутациянинг текширувимизда аниқланмаганлиги ўзбек аҳолисида паркинсонизм ривожланиши билан боғлиқ эмаслигини кўрсатади. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, бизнинг бирламчи материалларимизда

паркинсонизмнинг ювенил шаклидаги беморлар нисбатан кам таҳлил қилинган ва мутациянинг бу шаклини беморларда текширишни давом эттириш лозим.

LRRK2 генида G2019S мутациясини гетерозиготалик ташиб юриш ҳолати аниқланди. Мазкур мутациянинг жами частотаси 5,5% ни ташкил этди (n=11). Улардан мазкур мутацияга эга фақат 1та бемор (1,4%) ВПга, қолган 10 нафар бемор (7,1%) ПКга чалинган. Мазкур мутация частотаси ПКнинг спорадик турида 5,7% ни, касалликнинг ирсий шаклида 17,6% ни ташкил этди. Назорат гуруҳида LRRK2 генида G2019S мутацияси кузатилмади.

Жаҳон статистикаси маълумотлари билан, олинган натижаларни солиштирсак ПКга чалинган ўзбек миллатига мансуб кишилар орасида LRRK2 генининг G2019S мутацияси спорадик турда 5,7%, ирсий турда 17,6%, португалияликларда мос равишда 4% ва 14%, яъни бизнинг кўрсаткичларимизга яқин. Бу натижалар Шимолий Африкадаги арабларникидан (39% ва 36%) ва Ашкеназий яхудийлариникидан (10% ва 28%) анча паст; аммо европаликларникидан анча юқори (0-4% ва 0-4%).

LRRK2 генининг G2019S мутациясига эга бўлган ва бўлмаган беморларда ПКнинг клиник натижалари ва кечиши таққосланганда, мутацияли гуруҳда эркаклар кўпчиликти ташкил қилганлиги (p=0,04) ва касалликнинг аралаш шакли кўпроқ учраши аниқланди (мос равишда 60% ва 31,5%) (2-жадвал).

2-жадвал.


G2019S мутацияси бўлган ва бўлмаган беморларда клиник белгиларнинг қиёсий таҳлили

Клиник белгилар	G2019S мутацияси бўлган (n=10)	G2019S мутацияси бўлмаган (n=130)
Эркаклар/аёллар	7/3 (70%/30%)	67/63 (51,5%/48,5%)*
Касаллик бошланишининг ўртача ёши	52,2±11,2 (32 дан 80 гача)	53,1±13,1 (12 дан 74 гача)
Касаллик тури:		
Қалтираш	3 (30%)	40 (30,8%)
Акинетик-ригид	1 (10%)	49 (37,7%)*
Аралаш	6 (60%)	41 (31,5%)*
Касаллик босқичи		
I	2 (20%)	43 (33,1%)
II	5 (50%)	69 (53,1%)
III	3 (30%)	17 (13%)
IV	0 (0%)	1 (0,8%)
Леводопатерапия самарадорлиги	n=8	n=70
Юқори	6 (82,5%)	28 (40%)*
Мўътадил	2 (17,5%)	25 (35,7%)
Таъсирнинг йўқлиги	0 (0%)	17 (24,3%)*
Леводопатерапиянинг эрта зарарли таъсири	3 (37,5%)	12 (17,1%)*

Изоҳ: *— фарқ ишончли (P<0,05) кўрсаткичларни назорат гуруҳига таққослаганда.

Мутация бўлмаган беморларда акинетик-ригид тури кўпроқ учраши аниқланди. Леводопатерапия самарадорлиги баҳоланганда у биринчи мутацияли беморлар гуруҳида (n=8; 82,5%) 2-мутациясизга (n=70; 40%) нисбатан юқорироқ эканлигини кўрсатди. Иккинчи гуруҳда 24,3% ҳолатда леводопатерапия натижа бермади. G2019S мутацияси бўлган барча беморларда даво самарали бўлди. Аммо G2019S мутацияси кузатилган 3 та беморда (37,5%) леводопатерапия эрта зарарли асоратлар берди.

Паркинсонизмга чалинган беморлар гуруҳида GSTT1 гени 0/0 полиморфизмининг учраш частотаси 52% ни; GSTM1 генида 60% ни; соғлом кишилар гуруҳида эса 0/0 полиморфизмининг учраш частотаси GSTT1 ва GSTM1 генлар учун мос равишда 25% ва 42,5% ни ташкил этди (1, 2 расмлар).



М – молекуляр маркер; -- – реакция контроли; 26–39 – беморни кузатиш намуналари; 26, 27, 28, 30, 31, 32, 34, 36, 37, 38, 39 – GSTM1(0/0) генотиби; 29, 33, 35 – GSTM1(+) генотиби.

1-расм. Ўзбек миллатига мансуб паркинсонизмга чалинган беморларда GSTM1 гени бўйича таҳлил натижалари

GSTT1/GSTM1 комбинацияланган генотиплар тақсимооти таҳлили контрол гуруҳида GSTT1(+)/GSTM1(+)/GSTM1(+)/GSTM1(+) генотиплари комбинацияси устуворлиги, GSTT1(0/0)/GSTM1(0/0) генотиплари комбинацияси эса асосий гуруҳда юқорироқ эканлигини кўрсатди. Асосий гуруҳ беморларда GSTT1(0/0)/GSTM1(0/0) генотип комбинациясининг устуворлиги иккита мутациянинг мазкур патология ривожланишига бўлган аддиктив таъсирини намоён этиди.



М – молекуляр маркер; -- – реакция контроли; 6–18 – беморларни кузатиш намуналари; 6, 7, 8, 10, 11, 12, 14, 16, 18 – GSTT1(0/0) генотиби; 9, 13, 15, 17 – GSTT1 (+) генотиби.

2-расм. Ўзбек миллатига мансуб паркинсонизмга чалинган беморларда GSTT1 гени бўйича таҳлил натижалари

Паркинсонизмнинг нозологик формасига қараб GSTT1 ва GSTM1 генотипларини тақсимлаш натижалари иккала геннинг 0/0 полиморфизмлари фақат ПК бўлган беморларда назорат гуруҳидан сезиларли равишда фарқ қилди. ВПда эса уларнинг бирозгина ошиши кузатилди. GSTT1(0/0)/GSTM1(0/0) генотиплар комбинацияси ҳам ПК бўлган гуруҳида кўпроқ учради (3-жадвал).

3-жадвал.

GSTT1 ва GSTM1 генларининг полиморфизмларини паркинсонизмнинг нозологик шаклига боғлиқ ҳолда тақсимланиши


Генотиплар	Назорат гуруҳи (n=80)		ПК (n=140)		ВП (n=60)		1-критерий	2-критерий
	Генотиплар учраш частотаси							
	n	%	n	%	n	%		
GSTT1 (0/0)	20	25	78	55,7	19	31,7	$\chi^2=18,0$ P=0,001 OR=3,8	$\chi^2=0,46$ P=0,5 OR=0,7
GSTT1 (+)	60	75	62	44,3	41	68,3		
GSTM1 (0/0)	34	42,5	87	62,1	26	43,3	$\chi^2=7,1$ P=0,008 OR=2,2	$\chi^2=0,0005$ P=1,0 OR=0,96
GSTM1 (+)	46	57,5	53	37,9	34	56,7		
GSTT1(0/0)/GSTM1(0/0)	8	10	50	35,7	9	15	$\chi^2=16,0$ P=0,001 OR=5,0	$\chi^2=0,4$ P=0,5 OR=0,6
GSTT1(0/0)/GSTM1(+/+)	12	15	28	20	10	16,7	$\chi^2=0,5$ P=0,46 OR=0,7	$\chi^2=5,5$ P=0,02 OR=0,35
GSTT1(+/+)/GSTM1(0/0)	26	32,5	37	26,4	17	28,3	$\chi^2=0,64$ P=0,4 OR=0,7	$\chi^2=0,1$ P=0,7 OR=0,8
GSTT1(+/+)/GSTM1(+/+)	34	42,5	25	17,9	24	40	$\chi^2=14,5$ P=0,001 OR=0,3	$\chi^2=0,01$ P=0,9 OR=0,9

Изоҳ: 1–критерий-назорат гуруҳи ва ПК гуруҳи орасидаги фарқ; 2–критерий- назорат гуруҳи ва ВП гуруҳи орасидаги фарқ, семиз шрифт билан ишончли фарқ кўрсатилган.

ПКнинг клиник белгиларининг GSTT1 ва GSTM1 полиморф вариантлари билан боғлиқлигини таҳлил қилганда, беморлар 2 гуруҳга ажратилди: 1 гуруҳ – GSTT1(0/0)/GSTM1(0/0) генотиплари комбинациясига учраган (n=50); 2 гуруҳ – бу генларда мутацияга учрамаган беморлар (n=25). Бунда касалликнинг нисбатан эртароқ ёшда бошланиши (P<0,001), ёйиқ-аралаш турининг устуворлик қилиши (P<0,01) GSTT1 и GSTM1 генларида

мутация бўлмаган беморларга қараганда ушбу генларнинг “нолга тенг” генотиплари комбинациясида кўпроқ учраши кузатилди. Касаллик кечишида ривожланишнинг паст суръати GSTT1 ва GSTM1 генларида мутация бўлмаган беморлар гуруҳида устуворлик қилди ($p < 0,03$), жадал суръати эса GSTT1 ва GSTM1 генларида мутация бўлганларда кузатилди (32% ва 12%), бироқ кўрсаткичлар статистик аҳамиятли даражага бормади.

Мутант аллеллар бўйича Nat2 гени C282T мутациясини қидириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида паркинсонизми бўлган беморлар гуруҳида 15% ҳолатда учради, назорат гуруҳида эса 6,25% ($P < 0,05$) (3 расм).



М – молекуляр маркер; -- – реакция назорати; 1–8 – беморларни кузатиш намуналари; 1, 2, 4-7 – генотип wt/m; 3 – генотип wt/ wt; 8 – генотип m /m.

3-расм. 13 бемор ДНК намуналари асосида ПК беморларда Nat2 гени бўйича таҳлил натижалари

Имкониятлар нисбати (OR) кўрсаткичини ўрганиш натижасида $OR > 1$, яъни Nat2 генининг C282T мутациясида $OR = 2,8$ (95% ДИ 1,01 дан 8,7гача) ва Nat2 генининг C282T мутацияси бўлган кишиларда паркинсонизм ривожланиш хавфи 2,8 марта юқори эканлиги аниқланди.

Паркинсонизмнинг клиник формаларига қараб C282T полиморфизми турли генотипларининг учраш частотасини тадқиқ этиш ПК бўлган беморларда m/m генотипининг учрашида назорат гуруҳига қараганда сезиларли фарқлар борлигини кўрсатади (мос равишда 17,98% ва 6,25%). ҚТП бўлган беморлар гуруҳида Nat2 гени C282T полиморфизмининг турли генотипларининг учраш частотаси назорат гуруҳига қараганда статистик сезиларли фарқларни кўрсатмади (4 жадвал).

**Паркинсонизмнинг клиник формаларига қараб Nat2 гени
полиморфизмларининг тақсимланиши**

Генотип	Назорат (n=80)		ПК га чалинган беморлар (n=140)		ВП га чалинган беморлар (n=60)		P ₁	P ₂	P ₃
	n	%	n	%	n	%			
wt/wt	45	56,25	45	32,1	33	55	0,001	0,1	0,005
wt/m	30	37,5	70	50	22	36,7	0,09	0,1	0,1
m/m	5	6,25	25	17,9	5	8,3	0,02	0,9	0,13

Изоҳ: wt – ёввойи типдаги аллел, m – мутант типдаги аллел, P₁ – назорат гуруҳи ва ПК бўлган беморлар гуруҳи ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги, P₂ – назорат гуруҳи билан ВП бўлган беморлар гуруҳи ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги, P₃ – ПК ва ВП бўлган беморлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги, қалин шрифтда ишончли кўрсаткичлар берилган.

ПКнинг акинетик-ригид шакли ва касаллик ривожланишнинг жадал суръатлари m/m генотиби билан боғлиқ: монанд 60 ва 48%да қайд этилди.

Диссертациянинг «Паркинсон касаллиги ривожланишида хавф омилларни учраш частотаси» деб номланган бешинчи бобида ПК ривожланиш хавфининг экологик ва касбий омилларига боғлиқлигини ўрганиш натижалари келтирилган. Қишлоқ аҳолисида ПКнинг ёйиқ формалари кўпроқ учрайди; касаллик дебюти эртароқ бўлади ва оғирроқ кечади. Касбга муносабат текширилганда: асосий гуруҳда қишлоқ хўжалик ходимлари кўпчиликини ташкил этди (65,3%), кимё саноати ходимлари нисбатан камроқ (16%); энг кам ўқитувчилар (5,3%), маъмурий ходимлар (4%), тиббиёт ходимлари (4%). Назорат гуруҳида қишлоқ хўжалиги ходимлари 46%, кимё саноати ходимлари 6%, ўқитувчилар 10%, маъмурий ходимлар 18%, тиббиёт ходимлари 12% ни ташкил этди. Асосий гуруҳдаги 78% бемор иш жараёнида пестицидлар ва инсектицидлар билан алоқада бўлган. Назорат гуруҳида токсик моддалар билан алоқа фақат 32% беморларда қайд этилган.

Сўров бўйича асосий гуруҳда беморлар ўтмишда очик хавзалардаги сувдан (68%), назорат гуруҳида эса кўпроқ водопровод сувидан (62%) фойдаланган.

Шунинг натижасида ПК чалинишида токсик моддалар (P=0,005), очик сув хавзалари сувидан фойдаланиш (P=0,001) ҳамда кимё саноатида ишлаш (P=0,04) энг муҳим хавф омиллари ҳисобланди.

Зарарли омиллар таъсири касалликнинг клиник манзарасини ҳам ўзгартириб юборган. Анкеталар таҳлили бўйича, қишлоқ аҳолисига мансуб беморларнинг ўртача ёши 53,08±9,14, шаҳарликларники 58,5±10,7; шаҳарликларга қараганда қишлоқ аҳолиси орасида касаллик эртароқ бошланишига мойиллик кузатилди (мос равишда 48,8±9,9 ва 53,6±9,9 ёш).

Касалликнинг оғирлик даражаси ҳам яшаш жойига боғлиқ: шаҳар аҳолисида энгилроқ кечиб, касалликнинг I (46,1%), II (50%) босқичлари устуворлик қилса, қишлоқда II (50%), III (25,5%) ва IV (3,1%) босқичи бўлган беморлар кўпчиликини ташкил этиши аниқланди. Бу қишлоқ аҳолисининг тиббиёт ходимларига кечроқ муурожаат қилиши билан эмас, балки салбий омиллар таъсири натижасида касаллик нисбатан оғирроқ кечиши билан боғлиқдир. Бу беморларни иккала гуруҳида касаллик давомийлиги деярли бир хил эканлиги билан тасдиқланади (мос равишда $6,35 \pm 3,0$ ва $6,4 \pm 3,4$).

ПК клиник шакллариининг частотаси таҳлил қилинганда, қишлоқ аҳолисида ёйиқ-аралаш тури (55,1%), шаҳарликларда эса кўпроқ акинетик-ригид тури учради (44,2%). Бу ҳам ПКининг қишлоқ аҳолиси орасида нисбатан оғирроқ кечишидан далолат беради.

Касбга қараб ПК бошланиши таҳлили кимё саноати ходимларида ($47,8 \pm 8,4$ ёшда) ҳамда қишлоқ хўжалиги ходимларида ($50,2 \pm 7,8$ ёшда) эртароқ бошланишини кўрсатди, яъни касалликнинг эртароқ бошланишига ноқулай экологик-табiiй шароитлар катта таъсир кўрсатишини яна бир бор исботлаб берди.

Генотип ва ташқи муҳит ўзаро таъсирини таҳлил қилганда GSTT1 ва GSTM1 генларининг нолга тенг генотиплари уйғунлашган ва пестицидлар таъсирига учраган беморлар гуруҳида мазкур мутацияга учрамаганларга нисбатан касаллик белгилари эртароқ намоён бўлиши кузатилди.

Диссертациянинг «Паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмнинг эрта ва кеч босқичларидаги кўринишларини даволаш тамойиллари» деб номланган олтинчи боби ПК ва ВП нинг эрта ва кеч кўринишларини коррекция қилиш усулларига бағишланган. Суткасига ўртача 475 ± 75 мг (суткада 125 мг дан 3-4 маҳал) леводопа дори воситалари (наком, тидомет-форте; I гуруҳ, $n=39$) ва суткасига 300 ± 50 мг миқдорида амантадин сульфат (II гуруҳ, $n=50$) билан ўтказилган терапиянинг қиёсий таҳлили келтирилган, касаллик бошланишининг илк даврларида иккаласи ҳам юқори даражада самарадор хусусиятга эгалиги аниқланди. Амантадин сульфатни олган беморларнинг 20 (40%) нафарида юқори ижобий натижа, 24 (48%) да ўртача ижобий натижа кузатилди; дофаминергик терапия олган беморларда эса мос равишда 18 (46%) ва 20 (51,3%) нафарида ижобий натижа олинди. Шу тариқа, I-гуруҳда ҳаракатланишдаги фаоллик 26%га (UPDRS -III шкаласи бўйича баллар $32,8 \pm 5,7$ дан $24,3 \pm 5,9$ гача пасайди) ва қиёслаш гуруҳида эса 25% га ($33,9 \pm 6,3$ дан $24,6 \pm 8,3$ балгача) яхшиланди. Даволашдан сўнг иккала гуруҳ беморларида ҳам касаллик босқичларининг пасайиши (Хен ва Яр бўйича) мос равишда $1,8 \pm 0,44$ дан $1,2 \pm 0,37$ ва $1,79 \pm 0,8$ дан $1,1 \pm 0,6$ гача. Иккала гуруҳ беморларда тадқиқотнинг бошланиш даврида кундалик фаоллик имкониятлари ҳам анча паст эканлиги кузатилди (Шваб ва Ингланд шкаласи бўйича мос равишда $67,9 \pm 12,1$ ва $68,5 \pm 11,1$ баллар). Даволаш ўтказилгандан сўнг улар кундалик фаолликнинг яхшиланишини қайд этдилар ($75,1 \pm 13,5$ ва $78,3 \pm 16,5$ баллар).

Иккала гуруҳ (1- $n=21$; 2- $n=19$) даги 40 нафар беморни узоқ вақт (3 ва ундан ортиқ йил) кузатилганда, иккинчи гуруҳда (олдин амантадин сульфат

терапияси ўтказилган) леводопа препаратларини кечроқ белгиланганиши дори дискинезияси ва мотор флуктуацияларнинг пайдо бўлишини кечиктирди ва ривожланиш шиддатини сезиларли равишда секинлаштирди.

Дофаминергик терапияда дори дискинезиялари энг кўп учрайдиган (40%) асоратлар бўлиб, ҳаёт сифати ва кундалик фаоллигининг сезиларли равишда пасайишига олиб келади ва ПКда депрессия, безовталиқ холатларининг ривожланишига сабаб бўлади.

